



## ЧЕТ ТИЛИ БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОН ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА ЯРАТИШ ТАЖРИБАСИ

*Қороев Абдувафо Фазлиддинович,  
СамДЧТИ ўқитувчиси  
Нурматов Ғайрат Мустафақулович,  
СамДЧТИ ўқитувчиси*

**Калит сўзлар:** электрон ўқув-услубий мажмуа, филологик билим, ахборот технологиялари, ўқув жараёни, электрон дарслик, компьютер ўқув дастурлари, слот, супер-фреймлар, модулли ўқитиш технологияси, фрейм, электрон топшириқлар тўплами, типик, мураккаб ва муаммоли вазифалар.

Бугунги кунда педагогика олдида талабаларнинг кўп қиррали қобилиятларини ривожлантирадиган, когнитив қийинчиликларни камайтирадиган ва ижобий мотивация даражасини оширадиган технологияни ишлаб чиқиш вазифаси турибди. Бундай вазиятда талабаларнинг интеграцияланган маҳоратларини ўқитиш жараёнида шакллантириш ҳақида гапириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Педагогика бўйича адабиётларда “мураккаб маҳоратлар” тушунчасининг турли хил таърифлари мавжуд. А.Ю.Шурупованинг ишида мураккаб ўқув маҳоратлари билим, ҳиссий-образ ва баҳолаш характеридаги асосий таълим маҳоратларининг мажмуи сифатида таърифланади [1].

С.Ю.Страшнюк эса муҳандисларнинг мураккаб маҳоратларини операцион, тактик ва стратегик даражадаги маҳоратларнинг учта тизимли бирлиги сифатида белгилайди [2].

Филологик таълим билан боғлиқ ҳолда, биз талаба филологик фанларни ўрганиш жараёнида эгаллаши керак бўлган филолог мутахассислар мураккаб маҳоратларининг учта даражасини ажратамиз. Назарий материални таҳлил қилишга, таклиф қилинган филологик вазифаларни бажаришда уни қўллашга, типик муаммоларни таклиф қилинган лингвистик моделларга мувофиқ ечишга имкон берадиган аналитик ва филологик маҳоратларни биз биринчи даражали маҳоратларга киритамиз.

Таклиф қилинган табиий-илмий вазифанинг тўлиқ таҳлилин аналитик оширишга, мустақил равишда, илгари маълум бўлган илмий тафаккур усулларида фойдаланган ҳолда, билим, малака ва операцион маҳоратига асосланиб, ушбу вазифани ҳал қилиш усулларида излаб топишга ёрдам берадиган прогностик маҳорат ва моделларни биз иккинчи даражали маҳоратларга киритамиз.

Филологик билимларнинг бутун тизимида эркин ҳаракатланиш, мақсадларни мустақил белгилаш, ўз билим фаолиятининг вазифаларини белгилаш, вазифаларни ҳал қилишнинг тубдан янги усулларида топиш ва ноанъанавий вазиятларда ҳал қилишнинг аллақачон маълум бўлган усулларида қўллаш, шунингдек, қўйилган мақсадларга мос равишда когнитив фаолиятнинг асосий босқичларини ажратишга имкон берадиган синтетик ёки ижодий маҳоратларни биз учинчи даражали маҳоратларга киритдик.

Янги ахборот технологиялари талабаларнинг интеграциялашган маҳоратларини ошириш учун қўшимча имкониятлар яратади. Янги ахборот технологияларига, биринчи навбатда, компьютер техникаси, махсус дастурий ва услубий таъминотдан фойдаланишга асосланган ўқув ва таълим технологиялари киради. Уларни таълим жараёни ривожланишининг давоми деб ҳисоблаш мумкин.

Ўқув жараёнига янги ахборот технологияларининг фаол жорий этилиши



компьютер ўқув дастурларининг (КЎД) пайдо бўлишига олиб келди. Бундай дастурлар кўпинча маълумот олиш ва муайян соҳада билишларни шакллантириш, кўникма ва маҳоратларни мустаҳкамлаш, билимларни назорат қилиш жараёнини кўллаб-қувватлашга қаратилган. Д.Д.Аветисян, Л.В.Аршинский, А.А.Пугачев ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган ўқув дастурлари КЎД га мисол бўлиши мумкин [3; 4].

Бирок, ҳозирги кунда тўла бўлмаган ўқув дастурлари жамиятнинг тобора ошиб бораётган талабларига жавоб бермаяпти, шунинг учун ҳар хил турдаги КЎД курсни тўлиқ кўллаб-қувватлаши кўзда тутилмоқда. Биз яратган электрон ўқув-услубий мажмуа (ЭЎУМ) бунга мисол бўлиши мумкин. ЭЎУМнинг умумий таркибидаги мултимедиа автоматлаштирилган ўқитиш тизими (МАЎТ) барча элементлари модулли ўқитиш технологияси асосида ишлаб чиқилган анъанавий ўқитиш тизимида мавжуд бўлган тегишли ўқув материалларининг аналогидир.

МАЎТни анъанавий ўқитиш воситаларини органик равишда давом эттирадиган ва ўз хусусиятлари туфайли, гиперматнли режимда ҳар қандай маълумотга тез ва тўлиқ киришни таъминлайдиган ўқитиш ахборот муҳити сифатида қараш мумкин. МАЎТда аналогия бўйича ўхшашлик орқали янги билимларни эгаллашга ёрдам берадиган аудио-визуал воситалар мавжуд бўлиб, улар мотивацион ва ахборот таркибий қисмларни ягона фаолиятга бирлаштиради.

Фикримизча, ЭЎУМдан фойдаланмасдан профессионал филологик таълимнинг касбий мотивларини шакллантириш, филологнинг касбий фаолияти тўғрисида тизимли тасаввурни яратиш, ҳаёт фаолиятининг маълум бир соҳасидаги каби ўқув материалда ҳам яхлит йўналишга эришиш, билимларни якуний маҳсулот сифатида эмас, аксинча, билишнинг мақбул муҳитини яратадиган маҳсус дидактик муҳит доирасида материални ўзлаштириш тартиби сифатида

ўргатиш каби бир қатор мақсадларига эришиш анча мушкул.

“Ўрганилаётган тилнинг назарий аспектлари” курсини кўллаб-қувватлаш учун ушбу турдаги дастурий маҳсулотларга нисбатан юқорида келтирилган барча талабларни ҳисобга олган ҳолда, биз ЭЎУМ ва унинг мултимедиа таркибий қисмини МАЎТ ишлаб чиқдик. ЭЎУМ куйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олади: электрон дарслик, глоссарий (луғат), электрон ишчи дафтар, дастурни бошқарувчи электрон топшириқлар китоби.

Электрон дарслик – бу ўқув материали ёки унинг бирон-бир қисмини мустақил ўрганиш учун имконият яратадиган дастурий-услубий мажмуа бўлиб, қоғоздаги дарсликнинг аналогидир. Бирок, оддий дарсликдан фарқли ўларок, у бир қатор афзалликларга эга. Биринчидан, керакли маълумотларга тезкор кириш имкониятини беради, иккинчидан, ўқув материални яхшироқ эгаллашга ва уни тезроқ ўзлаштиришга ёрдам беради, учинчидан, ўқитишда индивидуал ёндашувни ва бошқа кўплаб афзалликларни амалга оширишга ёрдам беради.

“Ўрганилаётган тилнинг назарий аспектлари” курси беш модулга бўлинган бўлиб, уларнинг ҳар бири, бир томондан, бир бутуннинг бир қисми бўлса, бошқа томондан, ўқув фанининг мавзуларидан бирини ёритиб берадиган мантиқан тўлиқ ниҳоясига етказилган тузилмадан иборат.

Модулли ўқитиш технологияси ахборотни қатъий таркибий ташкил этишни назарда тутганлиги сабабли, электрон дарсликни яратишда минимал парча сифатида ахборотнинг минимал бўлинмайдиган ҳажмини кўрсатадиган слот (абзац, катак) ажратилди. Бир нечта (4-8) слотларнинг бирикмаси монитор экранига жойлаштирилган ва умумий маъноси билан бирлаштирилган фрейм (кадр)ни ҳосил қилади. Фрейм сифатида расмлар, жадваллар, диаграммалар бўлиши мумкин. Умумий семантик юкламага эга бўлган бир нечта (4-9) фреймлар тўплами супер-фреймга бирлаштирилган. Бир нечта



супер-фреймларни бирлаштириш натижасида ўқув элементининг мазмуни ҳосил қилинади, уларнинг муайян тўпламидан модуль ташкил топади [5].

Луғат каталогнинг электрон аналоги бўлиб, ўқув мақсадининг ўқув ахборотни куришнинг аксиоматик тамойилига эга бўлган ахборот- маълумот тизимини кўрсатади. Луғат энциклопедия тамойилига асосланади, унда талаба ушбу курсни ўрганаётганда эслаб қолиши зарур бўлган барча асосий тушунчалар, қоидалар мавжуд. Шунингдек, луғатда керакли атамани бир ёки бир нечта бош ҳарфлар, ёки бутун атамани киритиш орқали тез топиш тизимини биз жорий этдик.

Лаборатория машғулотида электрон дарсликдаги машқлар тўпламидир. Компьютердан фойдаланмасдан бу машқларни бажариш, фикримизча, мақсадга мувофиқ бўлмайди. Лаборатория машғулотидида компьютер дастурлари ва тилшунослик пакетлари (Derive, LangCad, LangLab ва бошқалар)дан фойдаланган ҳолда, ўқув вазибаларини бажаришнинг муқобил усули таклиф қилинган.

Электрон иш дафтари талабаларни амалий машғулотларга тайёрлашда ва мавзунини мустақил ўрганишда ёрдамчи ҳисобланади. ЭЎУМнинг ушбу қисмида типик ва мураккаб вазибаларни бажариш бўйича қисқача тавсиялар мавжуд, шунингдек, ё амалий машғулотларда ёки уйда бажариш учун берилган баъзи вазибалар бўйича мисоллар ўз ўрнини топган.

Электрон топшириқлар тўплами ўқув курсида кўриб чиқиладиган барча вазибаларни қамраб олган. Ушбу вазибалар уч турга бўлинади: типик, мураккаб ва муаммоли. Типик вазибалар модулнинг дидактик мақсадларига мувофиқ оддий кўникмаларни шакллантиради. Мураккаб вазибалар тўплами одатдаги вазиятларда лингвистик белгининг иккиламчи номланиши билан боғлиқ кўчма маънолар ва ўзига хос қўлланиш имкониятлари бўйича қўлга киритилган кўникмалар мажмуини амалда қўллаш имконини беради. Муаммоли вазиятларда талабалар ҳаракатининг мустақиллигини ва ижодий фикрлашини яратиш учун муаммоли топшириқлар қўлланилади. Уларни бажариш учун семантик ва функционал транспозиция моделларини талаба мустақил ишлаб чиқиши ёки уларни тубдан янги вазиятда қўллаши керак бўлади.

Мониторинг дастури ЭЎУМ энг муҳим таркибий қисмидир, чунки у бутун мажмуанинг ўқув жараёнидаги самарадорлигини баҳолашга имкон беради.

Шундай қилиб, хулоса қилиш мумкинки, яхлит ўқув мажмуаси ЭЎУМ, унинг электрон таркибий қисми МАЎТ ва билимларни тизимли назорат қилишдан ўқув жараёнида фойдаланиш ўқув маълумотларини керакли даражада ўзлаштиришни таъминлайди, талабаларнинг интеграциялашган маҳоратларини самарали шакллантириш ва ривожлантиришга ёрдам беради.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Шурупов, А.Ю. Развитие комплексных умений учащихся средствами инструментальной дидактики. Дисс... канд. пед. наук: 13.00.02. – Уфа 2003.
2. Страшнюк, С.Ю. Интеграция на модульной основе гуманитарных дисциплин в техническом вузе для развития комплексных умений студентов, канд. диссертация, Кемерово, 2003.
3. Аветисян, Д.Д. Программно-технологический комплекс TeachPro для создания электронных учебников. // Открытое образование. – 2001- № 4.
4. Аршинский, Л.В., Пугачев, А.А. Программный комплекс диагностики знаний TEACHLAB, TESTMASTER. // Информатика и образование. - 2002. - № 7.



5. Иванов В. Л. Электронный учебник: системы контроля знаний// Информатика и образование. - 2002. - №1.

*Кораев А., Нурматов Г. Опыт создания электронного учебно-методического комплекса по иностранному языку. В этой статье исследуется понятие профессиональных навыков будущих филологов-педагогов иностранного языка. В качестве одного из инструментов повышения всесторонних навыков учащихся мы предлагаем электронный учебно-методический комплекс (ЭУМК). ЭУМК доступен на бумаге и в электронном виде. Наши исследования показали, что использование ЭУМК в учебном процессе обеспечивает высокий уровень знаний и способствует эффективному формированию и развитию сложных навыков.*

*Koraev A., Nurmatov G. Experience in creating an electronic educational and methodical complex in a foreign language. This article explores the concept of professional skills of future philologists and teachers of a foreign language. As one of the tools to enhance the comprehensive skills of students, we offer an electronic educational and methodological complex (EUMK). EUMK is available on paper and in electronic form. Our studies have shown that the use of EUMK in the educational process provides a high level of knowledge and contributes to the effective formation and development of complex skills.*